

Миллий кутубхонада ўзбек дорбозлар сулоласи асосчиси Тошкенбой Эгамбердиев таваллудининг 150 йиллига бағишланган хотира кечаси бўлиб ўтди

04 март 2016



Тадбирда Тошкенбоевлар сулоласи вакиллари, санъатшунослар, Тошкент давлат санъат ва маданият институти талабалари, Тошкент эстрада-цирк коллежи ўқувчилари ва кутубхона фойдаланувчилари иштирок этишди.

Хотира кечасида ўзбек дорбозлар сулоласи асосчиси, Ўзбекистон ва Россия халқ артисти, Меҳнат қаҳрамони Тошкенбой Эгамбердиевнинг ўзбек цирки ривожига қўшган хиссаси, унинг давомчиларининг санъати ҳақида ҳикоя қилиб берувчи ҳужжатли фильмлар, уларнинг фаолиятини ёритувчи суратлар, китоблар, журналлар ва сулоланинг ёш вакиллари турли фестивал ва мусобақаларда қўлга киритган совринларидан иборат кўргазма намоиш этилди.

Тошкенбой Эгамбердиев 1935 йилдан бошлаб турли майдонларда отаси – Эгамберди отадан ўрганган дорда юриш санъатини намоиш этар эди. У эквилибр, яъзи симбоз - баландлиги 3 –4 метрни ташкил этган эгилувчан симда акробатик машқлар намоиш этувчи, сўнгра эса дорбоз - баландлиги 25 – 30 метрни ташкил этган дорда акробатик машқлар намоиш этувчи деган мақомга эга бўлди. Шундай қилиб, у қадимий дорбозлик санъатини бир неча поғонага кўтариб, уни замонавий циркнинг бадиий ифода воситалари ва мураккаб ўйинлари билан бойитиб келаётган ва ўзбек дорбозлик санъатини жаҳон цирки майдонларига олиб чиқаётган Тошкенбоевлар сулоласига асос солди. Ҳозирги кунда Ўзбек Давлат циркида сулоланинг бешинчи ва олтинчи авлод вакиллари фаолият юритиб келмоқда, улар жаҳон цирк ареналарини ларзага солиб, турли халқаро мусобақаларда фахрли ўринларни эгаллаб келмоқда.